



1922 йил 4 август Курбон байрамининг иккинчи куни Анвар Пошо Балживонда шахид бўлган.

Чекист Георгий Агабеков ўзининг эсдаликларида Анвар пошонинг жойлашган жойини топиш операцияси хақида ёзиб ўтган (Агабеков ўзининг шериги билан савдагарлар киёфасида маҳаллий аҳолига аралашиб кетган ва пул, пора эвазига Анвар пошо штаби дислокация килган жойни билиб олган). Ўша эсдалигида Анвар пошо штабига хужум килган отлик дивизион кўмондони рапортини ҳам илова килган: "Анвар пошо бошчилигидани босмачилар штаби тоққа қараб қочмоқчи бўлди, бироқ улар пистирмадаги эскадронга дуч келиб, жангни қабул қилишди. Жанг натижасида душман штаби йўқ қилинди. Фақат учта одам қочиб қутилди. Жанг майдонида 28 та жасад қолди. Уларнинг орасида Анвар пошо ҳам бор эди. Қилич зарбидан унинг боши ва жасадининг бир қисми қопилган. У билан Қуръон тоқилди". (Георгий Агабеков ЧК за работой Глава VI. Убийство Энвер-паши — Приложение к журналу «Отечественные архивы»)

У Балживондан хотинига ёзган охири хатида: «Сен билурсанки, маним ҳақимда тухмат ташвиқотлар тарқатиб юрган бадбахт қимсаларнинг иддао этганларидек, бу олис диёрга (яъни Туркистонга) мол-дунё ахтариб, бой бўлмоқ ёки ўз ҳокимиятимни қурмоқ учун қелганим йўқ. Мени сендан узоклаштириб, бу жойларга қелтирган Жаноби Ҳақнинг зиммамга юқлагани бир вазифадир...».

Абу Муслим